

ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТАРИХИ

Мадатов Маҳмуджон Мухтор ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

магистратура факультети 2-босқич талабаси

Илмий раҳбар: Х.Турсунбеков

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида электрон далил тушунчасига берилган таъриф, электрон маълумотлар тушунчаси, рақамли далил тушунчаси, электрон (рақамли) далилларнинг келиб чиқиши тарихи, АҚШ Федерал қидирув бюроси изланувчиларинг электрон (рақамли) далиллар ҳақидаги тадқиқотлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Аннотация

В данной статье представлена информация об определении понятия электронных доказательств в законодательстве Республики Узбекистан, понятии электронных данных, понятии цифровых доказательств, истории возникновения электронных (цифровых) доказательств, а также исследованиях следователей Федерального бюро расследований США по электронным (цифровым) доказательствам.

Annotation

This article provides information on the definition of electronic evidence in the legislation of the Republic of Uzbekistan, the concept of electronic data, the concept of digital evidence, the history of the origin of electronic (digital) evidence, and the research of investigators of the US Federal Bureau of Investigation on electronic (digital) evidence..

Калит сўзлар: Далил, электрон маълумотлар, электрон далил, рақамли далил, электрон (рақамли) далилларнинг келиб чиқиши тарихи, АҚШ Федерал қидирув бюроси.

Ключевые слова: Доказательства, электронные данные, электронные доказательства, цифровые доказательства, история происхождения электронных (цифровых) доказательств, Федеральное бюро расследований США.

Keywords: Evidence, electronic data, electronic evidence, digital evidence, history of the origins of electronic (digital) evidence, FBI.

Электрон далил тушунчаси ва унинг келиб чиқиши тарихи


Электрон далил тушунчасига изоҳ келтиришдан аввал, далил тушунчасига таъриф берадиган бўлсак, яъни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 81-моддасига кўра, “Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади”, деб баён этилган.¹

Аввало, шуни айтиб ўтиш лозимки, далил ҳақидаги ушбу таъриф Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида келтирилган ўзгармас қатъий бўлиб, жиноят процессида далиллар тушунчаси марказий аҳамият касб этади.

Далиллар – бу фактлар тўғрисидаги маълумотлардир. Инсон онгида предметлар, нарсалар эмас, балки уларнинг манзаралари, тушунчалари ва улар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади. Ҳақиқий маълумотлар – бу қонуний манбалардан олинган фактлар тўғрисидаги маълумотлардир. Жиноят процессуал қонунчиликда эса фактлар тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқий маълумотлар деб юритилади.²

Шунга кўра, барча турдаги далиллар ижтимоий хавфли қилмишлар ҳақидаги ҳақиқий маълумотлар натижасига келиб чиқади. Қонунчилигимизга юзлансак, ижтимоий хавфли қилмишлар ҳақидаги ҳақиқий маълумотлар аниқланиш усулига ва келиб чиқиши манбаси кўра, 5 турда бўлинади: 1) гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари; 2) экспертнинг хулосаси; 3) ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар; 4) овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар; 5) тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар.

Шу билан бирга, далиллар ўзига хос хусусиятлари, жумлада сақланиш ва ифодалаш усулига асосан, умумий равишда 3 та турга бўлинади:



¹ Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023. – 147 б.

² Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. //Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016. – 136 б.

Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига электрон маълумотлар ва рақамли далиллар тушунчаси кириб келди ва жиноят-процессуал қонунчилигимиз Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 204²-моддаси билан бойитилди, яъни “Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлар рақамли далиллардир”.³

БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши Бошқармасининг махсус порталида “Электрон (ёки рақамли) далиллар - бу исботловчи қийматига эга бўлган ва рақамли шаклда сақланадиган ёки узатиладиган ҳар қандай маълумотдир”⁴, деб кўрсатилган.

Электрон маълумотлар илм-фанда компьютер воситаларининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу турдаги маълумотларнинг жиноят процессида электрон ёки рақамли далил деб ифодаланиши деярли бир хил мазмунга эга.

Ушбу хусусда шуни таъкидлаш керакки, электрон сўзи кўпроқ умумийликка эга бўлиб, асосан, далилларнинг шаклига нисбатан қўлланилади. Рақамли сўзи кўпроқ хусусийлик касб этиб, асосан бирор бир далил аниқ, ўзгармас ва қатъий маълумотларни сақласа, рақамли далил сўзи қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Буни қуйидаги мисолдан фарқлаб олишимиз мумкин, яъни электрон дастур билан ишловчи ташкилотнинг ходими томонидан муайян ҳуқуқ берувчи расмий ҳужжат электрон тарзда имзоланганда ушбу электрон тарзда имзоланган ҳужжатнинг компьютер воситасида сақланувчи файли, жумладан пдф, рақамли далил бўлиб, мазкур файлда ёки махсус дастурда ушбу ҳужжатнинг қачон яратилганлиги, имзоланганлиги ва юклаб олинганлиги каби рақамли ўзгармас ва қатъий маълумотлар акс этади.

Рақамли далилларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, далилнинг факт сифатида тан олиниши учун унинг мақбуллиги ва юқори статистик аниқликка эгалиги ҳисобланади.

³ Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/7228758>.

⁴ БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши Бошқармасининг махсус портали. Интернет саҳифаси // <https://sherloc.unodc.org/cld/ru/st/evidence/electronic-evidence.html>.

Электрон далил тушунчасини тарихига назар солсак, электрон далиллар компьютер билан боғлиқ жиноятларнинг шаклланиши ва ривожланиши натижасида юзага келиб, 1980 йилларнинг охири ва 1990 йилларнинг бошида АҚШда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар электрон жиноятлар келиб чиқиши, уларни очиши натижасида фанга электрон (рақамли) далил тушунчаси ҳам кириб келган.⁵

1984 йилдан бошлаб, АҚШнинг Федерал қидирув бюроси лабораторияси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар компьютер воситалари билан содир қилинган жиноятлар ва уларни очиш билан шуғулланишни бошлашган. АҚШнинг Федерал жиноятчилик лабораторияси директорлари компьютер воситаларидаги янги криминалистика соҳаси ҳақида 1998 йилда кенг қўлланми илмий изланишлар олиб боришиб, АҚШ Федерал қидирув бюроси лабораторияси директори ўринбосари доктор Дон Кер, Федерал қидирув бюросининг компьютер аналитикаси гуруҳи раҳбари Марк Полит ва Адлия, компьютер жиноятчилиги ва интеллектуал мулк бўлими бошлиғи Скот Чарней раҳбарлигидаги илмий гуруҳ 1998 йил 12 май куни рақамли аудио, рақамли видео ва рақамли компьютер криминалистикаси ҳақида илмий иш олиб боришиб, кенг қўлланми илмий муҳокамалардан сўнг, компьютер ёрдамида содир қилинадиган жиноятчилик ва компьютер криминалистикасини умумий қилиб, “рақамли криминалистика” (digital evidence) атамасини қўллашга келишиб.⁶

Компьютер билан боғлиқ жиноятларни очишдаги қийинчиликлар АҚШнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини мазкур турдаги жиноятлар билан курашишга олиб келди, натижада Федерал ҳуқуқни муҳофаза қилиш маркази (Federal Law Enforcement Center) ва Миллий жиноятчилик тизими маркази (National Collar Crime Center) каби ўқув марказлари ташкил этилиб, мазкур ўқув марказлари компьютер воситалари орқали содир қилинаётган жиноятларни очиш учун турли ўқув дастурларини ишлаб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига компьютер воситалари билан содир қилинаётган жиноятларни очишда электрон (рақамли) далилларнинг аҳамияти ва уларни қўллашни ўргата бошлади.

Шундан сўнг, ҳуқуқий илм-фан соҳасига янги тармоқ, яъни рақамли криминалистика (digital forensics) фани кириб келиб, мазкур соҳа жуда тезлик билан ривожланди. Рақамли криминалистика фанидаги энг катта ютуқлардан бири – бу Америка рақамли криминалистика академияси томонидан 2008 йил 20 февральда нашр қилинган “Рақамли ва мултимедия илмлари” номли китоби

⁵ Digital evidence and computer crime by Eoghan Casey. Published by Elsevier Inc. 2011, page 10.

⁶ International Journal of Digital Evidence, Spring 2002 Volume 1, Issue 1:

<https://www.utica.edu/academic/institutes/ecii/publications/articles/9C4E695B-0B78-1059-3432402909E27BB4.pdf>.

ҳисобланиб, мазкур китобда рақамли криминалистиканинг охири 28 йилдаги барча ижобий ютуқлари ҳақида илмий маълумотлар келтирилган.

Криминалистика фани ҳақида гапирадиган бўлсак, ушбу жиноятларни очиш ва олдини олишда далилларни топиш, олиш, мустаҳкамлаш ва тадқиқ этиш билан боғлиқ ҳаракатларни жиноят-процессуал қонунчилиги талаблари асосида амалга оширадиган такти-методологик усулларни, илмий-техник воситалар ва уларни жорий қилиш ҳақидаги фан ҳисобланади.⁷

Шунга кўра, рақамли криминалистика компьютер воситалари ва ахборот технологияларини қўллаб содир этиладиган жиноятларни очиш билан боғлиқ фаолиятини қамраб олувчи илм тармоғи ҳисобланади.

Умумий қилиб олганда, рақамли криминалистика - бу электрон (рақамли) шаклда сақланадиган маълумотларни аниқлаш, олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва хулоса қилишга қаратилган илм-фан тармоғи ҳисобланади. Электрон (рақамли) далиллар деярли барча жиноятларнинг таркибий қисми бўлиб, электрон (рақамли) далиллар ва рақамли криминалистика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳақиқатни аниқлаш билан боғлиқ фаолияти учун жуда муҳимдир.

Ҳуқуқий фанларга электрон (рақамли) далиллар компьютер воситалари ва технологияларнинг ривожланиши натижасида кириб келиб, ўзининг яширинлиги, махфийлик даражасининг юқорилиги ва мураккаблиги сабабли, уларни ҳар томонлама аниқлаб, фойдаланиш қийинлиги каби объектив сабаблар оқибатида замонавий жиноятчилар компьютер технологиялари ёрдамида Интернет оламида турли жиноятларни содир қилишмоқда.

Ушбу омил Ўзбекистон Республикасини ҳам бевосита қамраб олиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига компьютер воситалари орқали содир қилинадиган жиноятларни ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона очишни юкламоқда.

Ўзбекистон Республикаси жинойий-ҳуқуқий қонунчилигига “рақамли далил” тушунчаси янги бўлмаса-да, қонунчиликда ушбу тушунчага аниқ ва қатъий таъриф берилмаган эди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 203-моддасига кўра, “Келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланади”⁸, деб

⁷ Криминалистика, дарслик. Муаллифлар жамоаси - Тошкент: ДТЮУ. – 6 б.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023. – 163 б.

кўрсатилган бўлиб, ушбу таърифдан келиб чиқиб, электрон (рақамли) далиллар ҳам ўзининг физикавий аломатлари ва белгиларига кўра, ашёвий далил, деб топилган.

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси жиноий-ҳуқуқий қонунчилигида “электрон (рақамли) далил” тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги №24-сонли Қарорининг 9-бандида қисқача тан олиниб, унга кўра, “Далил у ЖПК талаблари бузилган тарзда, жумладан, қўйидаги ҳолларда олинган бўлса ҳам мақбул эмас деб топилади, агар рақамли (электрон) ташувчи жисмлардаги маълумотлар мутахассис иштирокисиз олиб қўйилган ёки кўздан кечирилган бўлса”⁹, деб белгиланган.

Ушбу норма асосида яқингача суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари, тергорчи, прокурор, судья ва бошқалар ижтимоий хавфли қилмишни содир этилганлиги ҳақида хулосага келишда рақамли (электрон) далилларни олиб қўйиш ва кўздан кечиришда мутахассис иштирокида таъминлаган ҳолда олиб боришиб, рақамли (электрон) далилларни ашёвий далил тариқасида ҳуқуқий баҳо беришди. Ижтимоий муносабатлар тўлиқ шаклланганлигидан ахборот технологиялари кескин ривожланганлиги сабабли, объектив заруратдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига электрон маълумотлар ва рақамли далиллар тушунчаси кириб келиб, жиноят-процессуал қонунчилигимизда электрон маълумотлар ва рақамли далиллар ҳақида қатъий ҳуқуқий нормалар белгиланди.

Шундай қилиб, электрон (рақамли) далил – бу жиноят иши бўйича ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилганлиги ёки содир этилмаганлигини исботловчи қийматига эга бўлган ўзида қатъий ўзгармас рақамли хусусиятларни сақловчи электрон тарзда сақланадиган ёки узатиладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар ҳисобланади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги №24-сонли Қарори, lex.uz қонунчилик базаси: <https://lex.uz/docs/3895986?ONDATE=24.08.2018>.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023;
2. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. //Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016;
3. Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/7228758>;
4. БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши Бошқармасининг махсус портали. Интернет саҳифаси // <https://sherloc.unodc.org/cld/ru/st/evidence/electronic-evidence.html>;
5. Digital evidence and computer crime by Eoghan Casey. Published by Elsevier Inc. 2011;
6. International Journal of Digital Evidence, Spring 2002 Volume 1, Issue 1: <https://www.utica.edu/academic/institutes/ecii/publications/articles/9C4E695B-0B78-1059-3432402909E27BB4.pdf>;
7. Криминалистика, дарслик. Муаллифлар жамоаси - Тошкент: ДТЮУ;
8. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023;
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги №24-сонли Қарори, lex.uz қонунчилик базаси: <https://lex.uz/docs/3895986?ONDATE=24.08.2018>;
10. Lex.uz;
11. Proacademy.uz Интернет саҳифалари.